# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 17 май, № 96 (5516) Пайшанба


# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 май куни Оқсаройда Халқаро футбол федерацияси (ФИФА) президенти Йозеф Блаттерни қабул қилди.**





Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистонда Йозеф Блаттерни ўз ҳаётини жаҳон ва миллий футболни ривожлантиришга бағишлаган таниқли жамоат арбоби сифатида билишларини таъкидлади. Бу — ФИФА раҳбарининг Ўзбекистонга учинчи ташрифи. Мазкур ташриф ўзбек футболининг 100 йиллиги нишонланаётган кунларга тўғри келди.

Учрашувда Ўзбекистонда футболни ривожлантириш истиқболлари, мамлакатимизнинг ушбу нуфузли халқаро тузилма билан самарали ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди. "Гол", "Гол-2" ва "Гол-3" лойиҳаларининг амалга оширилгани шундай ҳамкорликнинг натижаларидандир. Ушбу лойиҳаларга мувофиқ, Тошкент шаҳрида сунъий қопламали футбол майдони ва мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоаларининг ўқув-машқ базаси қурилди, Самарқанд шаҳрида эса мини-футбол учун ёпиқ манеж барпо этилмоқда. Ўзбекистон болалар-ўсмирлар футболини, рефери ва мураббийларнинг миллий мактабини ривожлантириш борасида ҳам ФИФА билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор.

Бугунги кунда футбол Ўзбекистонда энг оммавий спорт турларидан бирига ва миллионлар ўйинига айланган. Ушбу спорт тури, айниқса, ёш авлод ўртасида кенг оммалашган. Давлатимиз томонидан футболни янада оммалаштиришга улкан эътибор ва ёрдам кўрсатилмоқда. Бу маънавий ва жисмоний баркамол авлодни тарбиялашга доир сиёсатнинг муҳим йўналишларидандир. 2011 йил 19 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2011 — 2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, мамлакатимизда футбол инфратузилмасини кенгайтириш ва ушбу спорт турини тарғиб қилиш борасидаги ишларни янада фаоллаштиришга доир тадбирларнинг тизимли режаси тасдиқланди.

ФИФА раҳбари самимий қабул учун Президентимиз Ислом Каримовга миннатдорлик изҳор қилди ва мамлакатимизнинг спорт соҳасидаги муваффақиятларига, шу жумладан, Ўзбекистон спортчиларининг жаҳон майдонларидаги улкан ютуқларига юксак баҳо берди.

**(ЎзА).**

Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.

# Мамлакатимизда:

## Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Самарқанд

*Самарқанд шаҳрида "Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик — тараққиёт омили" мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.*

## «Ягона оила фарзандларимиз»

Республика Байналминал маданият маркази, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, вилоят ҳокимлиги ҳамда бир қатор жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбир миллий маданий марказларининг кўргазмаси билан бошланди. Унда вилоятда фаолият кўрсатаётган 10 та миллий маданий марказ фаолиятидан ҳикоя қилувчи фотосуратлар ва турли миллатларнинг ҳунармандчилик маҳсулотлари ҳамда либослари намойиш этилди.

Таъкидлаш керакки, айни пайтда вилоятда 100 дан зиёд миллат ҳамда элат вакиллари осуда ва ўзаро ҳамжиҳат ҳаёт кечириб, мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда.

(Давоми 3-бетда).

### Жиззах

*Зомин туманидаги "Абдувоҳид Бошмонов" кўп тармоқли хусусий корхонаси томонидан 200 миллион сўмлик лойиҳа амалга оширилиб, қум ва шағалдан 3 турдаги қурилиш маҳсулоти ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.*

## Бунёдкорлар учун зарур маҳсулот

— Туманимизда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, — дейди корхона раҳбари Боқибулла Бошмонов. — Биз ишлаб чиқараётган маҳсулотларга эса талаб катта. Ҳозиргача 150 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш ашёларини буюртмачиларга етказиб бердик.

Корхона жамоаси, шунингдек, бир неча турдаги ғишт ва темир-бетон маҳсулотлари тайёрлашни ўзлаштириш борасида ҳам изланишлар олиб бормоқда.

**У. АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Сурхондарё

*Узун туманилик тадбиркор Аслиддин Беков саъй-ҳаракати билан шифер ишлаб чиқаришга мўлжалланган "Кавсар мадад" корхонаси ташкил этилди.*

## «Кавсар мадад» томёпқичлари

Қиймати 300 миллион сўмлик ҳамда 175 минг АҚШ долларилик мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши туфайли бу ерда йилига 800 минг дона сифатли томёпқичлар тайёрлаш имконияти юзага келди.

— Илгари бу турдаги маҳсулотлар туманимизга қўшни вилоятлардан келтириларди, — дейди тадбиркор. — Зарур хом ашёнинг асосий қисми ўзимизда мавжудлиги маҳсулотларимиз таннархи арзонлигини таъминлаяпти.

**Н. ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Андижон

*Ёзнинг айни жазирамасида кўчаю хиёбонлардаги гулзорларни суғоришга эҳтиёж янада ортади.*

## Суғориш тизими такомиллашди

Шуни ҳисобга олган андижонлик бунёдкорлар маҳалла ва кўчаларни ободонлаштириш ҳамда гулзорлар ташкил этиш борасида ташаббус билан чиқдилар. Шаҳар ҳудудида 4 та қудуқ қазилиб, 11,8 километрлик майдондаги гулзорлар ҳамда манзарали дарахтларни доимий суғориш йўлга қўйилди. Бунинг учун "Сапир-2001" қурилиш корхонаси томонидан 234 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Тез орада яна бешта шундай замонавий қудуқ ишга туширилиши мўлжалланмоқда.

Айни кунларда вилоятнинг шаҳару қишлоқларида 95,9 км. масофадаги сув тармоқлари реконструкция қилиниб, мавжуд 8 та қудуқ таъмирдан чиқарилаётир.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Яхши хабар

*"Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси "Парвозлар хавфсизлиги" нотижорат ҳамкорлигининг "Парвозлар хавфсизлигини таъминлашда эришган улкан ютуқлари учун" номинацияси бўйича совриндор бўлди.*

## Замонавий ва сифатли хизмат эътирофи

Ушбу ҳамкорлик 1999 йили МДҲ мамлакатлари авиакорхоналари томонидан таъсис этилган бўлиб, авиакомпаниялар, аэронавигация, саноат корхоналари ва илмий тадқиқот ҳамда ўқув муассасалари, суғурта компаниялари ва бошқа тегишли ташкилотлар унинг аъзолари ҳисобланади.

Юқоридаги эътироф республикамиз фуқаро авиацияси тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ва модернизация жараёнлари ўзининг салмоқли самараларини бераётганининг яна бир исботига айланди, албатта.

Миллий авиакомпания ахборот хизмати маълумотларига кўра, вакилларимизга нуфузли дипломни тантанали равишда топширишга бағишланган маросимда Ўзбекистонда ҳаво йўллари тизимини замонавий стандартлар асосида жадал ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани алоҳида қайд этилди.

(Давоми 2-бетда).

# Қулай тадбиркорлик муҳити

## юртдошларимизда яратувчанлик қобилиятини оширишга хизмат қилмоқда

*У — табиатан ташаббускор, тиниб-тинчимайдиган инсон. Қачон қараманг, қандайдир лойиҳалар устида бош қотириб юради. Атрофидагилар унинг бундай хатти-ҳаракатларини кўриб, аввалига шунчаки қизиқишга йўйдилар. Аммо бу меҳнатсевар аёлнинг нияти жиддий эканлигига орадан кўп вақт ўтмай, аниқроғи, тадбиркор сифатида танила бошлагач, иқрор бўлишди.*

### Ислоҳот

Бугун уни ўзи фаолият кўрсатаётган Жиззах шаҳридагина эмас, балки бутун вилоятда, ҳатто мамлакатимизда ҳам яхши билишади. Илғаган бўлсангиз керак, гап Президент соврини учун ўтказилган "Ташаббус — 2012" республика кўрик-танловининг "Энг яхши тадбиркор" йўналиши бўйича ғолиби, "Jizzax Kuhinur" хусусий фирмаси раҳбари Холисхон Бобоева ҳақида кетаяпти.

Аслида, тадбиркорнинг иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Корхонанинг илк маҳсулоти бундан олти йил бурун ишлаб чиқарилган эди. Ўшанда 11 кишилик кичик жамоа томонидан қандолат маҳсулотлари тайёрланиб, буюртмачиларга пешма-пеш етказиб бериларди.

Чин кўнгилдан меҳнат қилинса, ишда унум ва барака бўларкан. Тадбиркор бир йиллик фаолияти асносида бунга амин бўлди. Чунки кўрилган фойда чакки эмас. Чамалаб кўрса, янги технологик ускуналар сотиб олиш мумкин экан. Шундай қилди ҳам: шифер ишлаб чиқариш цехини ишга туширди.

— Истеъдод гулга ўхшайди, — дейди Холисхон Бобоева. — Айниқса, тадбиркорлик борасидаги маҳоратинг қўллаб-қувватланса, рағбатлантирилса борми, ўзингга бўлган ишончинг ортади, ишингга нисбатан меҳринг янада кучаяди. Тадбиркор сифатида шаклланишимда, айтишим мумкинки, эътибор ва рағбат қўшқанот бўлди. Натижада иш кўламини йил сайин кенгайтириб бораяпмиз.

Одатда, ишбилармонлар ўзи билмаган соҳага қўл урмайди. Ахир таклиф қилаётган маҳсулоти рақобатга бардош бермаса, "синиб" қолиши мумкин. Аммо Холисхон Бобоева бу борада бошқача йўл тутди. Ички бозорни пухта ўрганиб, ўзи учун янгилик бўлган қурилиш материали тайёрлашни йўлга қўйди. Хато қилмаган экан. Жойларда бунёдкорлик ишлари кўлами кенгайиши натижасида унинг маҳсулотига талабгорлар ҳам кўпайиб кетди.

(Давоми 2-бетда).

### Халқаро кўргазма

*Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида "Энергетика — Power Uzbekistan — 2012" еттинчи ихтисослаштирилган халқаро кўргазмаси иш бошлади.*

# Самарали ҳамкорлик

## изчил ривожланиш пойдевори

Кўргазма Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг "Ўзсувэнерго" бирлашмаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда "ITE Uzbekistan" халқаро кўргазмалар компанияси томонидан ташкил этилди.

Халқаро кўргазманинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, хусусан, 2011 — 2015 йилларга мўлжалланган энергетика тизимини ривожлантириш дастури доирасида кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида мазкур тизим салоҳияти тобора юксалмоқда.

"Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси маълумотларига кўра, айни пайтда юртимизда 235 минг километрлик электр узатиш линияси мавжуд. Унинг 90 фоизи паст вольтли электр тармоқларидир. Мамлакатимиз энергетика тизимини янада ривожлантириш, тармоқ корхоналарини модернизациялаш ва истеъмолчиларни ишончли иссиқлик ҳамда электр энергияси билан таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган дастурга биноан, келгуси уч йил давомида 1207,2 километрлик янги линияларни тортиш, 400 та трансформатор пункти ва 35 кВ қувватли 13 та кичик станцияни барпо этиш режалаштирилган.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур кўргазма эса республикамиз энергетика тизимида амалга оширилаётган бу каби янгиланиш ва ўзгаришлар билан хорижликларни яқиндан таништириш баробарида, улар билан тажриба алмашишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# Оилавий бизнес — оилавий корхона

*Мамлакатимизда қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш, ишбилармонларнинг ҳуқуқий эркинлигини ошириш борасида изчил олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли бу соҳа йил сайин ривожланиб, иқтисодиётимизнинг етакчи кучига айланиб бораяпти. Ушбу жараёнда солиқ бўйича берилаётган имтиёз ва преференциялар, айниқса, муҳим аҳамият касб этаётир.*

### Анжуман

Кеча пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ташкил этилган матбуот анжуманида айни шу йўналишда олиб борилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳияти ҳамда афзалликлари хусусида сўз юритилди.

Таъкидландики, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури ижроси солиқларнинг рағбатлантирувчи роли янада ошишини таъминлади. Гап шундаки, ўтган йили микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 7 фоиздан 6 фоизга камайтирилиши туфайли 80 миллиард 300 миллион сўм миқдорида маблағ тежаб қолинди. Бу кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқаришни технологик янгилаш ва замонавий техникаларни жорий этишда қўшимча имкониятларни вужудга келтирди.

Бундай енгилликлар жорий йилда ҳам давом эттирилиб, микрофирма ва кичик корхоналардан олинадиган ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга пасайтирилгани алоҳида эътиборга моликдир. Чунки яратиб берилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланаётган тадбиркорлар ички бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш баробарида, аҳоли бандлигини таъминлашга катта ҳисса қўшишмоқда. Хусусан, 2012 йилда яратиладиган 967 мингдан ортиқ иш ўрнининг 480 мингдан зиёди кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушига тўғри келиши кўзда тутилгани бунинг яққол исботидир.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

# ИНВЕСТИЦИЯЛАР ОҚИМИ КЎПАЙМОҚДА

***Мамлакатимизда 2012 йилнинг дастлабки уч ойида ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми***

**4,4 фоизга ўсди.**

Таркибий қайта ўзгартиришларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни диверсификациялаш, айниқса, Инвестиция дастури ижросини таъминлаш бўйича кўрилган аниқ чора-тадбирлар туфайли соҳада ана шундай юқори кўрсаткич қўлга киритилди.

## Дунё нигоҳи

*Европа Комиссиясининг Брюсселдаги биносида Ўзбекистон Бадиий академияси ва мамлакатимизнинг Бельгиядаги элчихонаси кўмагида “Ўзбекистон: Буюк Ипак йўлининг ганжинаси” мавзуида суратлар кўргазмаси ташкил этилди.*

# «Ўзбекистон: Буюк Ипак йўлининг ганжинаси»

### Брюсселда намойиш этилган кўргазма ана шундай номланди.

Тадбирнинг тантанали очилиш маросимида Европа Комиссияси, Европа Парламенти, Европа Ташқи ҳаракатлар хизмати, Европа Иттифоқи Кенгаши сингари институтлар, Бенилюкс мамлакатларининг сиёсий, ишбилармон, ахборот-таҳлил ва жамоатчилик доиралари, Бельгияда аккредитациядан ўтган дипломатия миссиялари ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Ушбу кўргазмадан Р. Шагаев, Т. Қўзиев, Р. Шарипов, В. Гончаренко, В. Жиров, А. Илёсов каби ўзбекистонлик таниқли фотографларнинг ижод намуналари жой олди.

Маросимда сўзга чиққан **Тараққиёт ва ҳамкорлик бўйича Европа ҳамжамиятлари Комиссияси бош директоратининг Осиё ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича директорати раҳбари Дирк Меганк** мазкур кўргазма орқали европаликлар ўзбек халқининг бой маданий-тарихий мероси, Буюк Ипак йўлида жойлашган Самарқанд, Бухоро, Хива ҳамда Тошкент сингари азим ва гўзалликда бетакрор шаҳарлари билан яқиндан танишиш учун жуда қулай имкониятга эга бўлганликларини қайд этди.

Д. Меганк ушбу тадбирда ўзбек маданиятининг гўзаллиги ва ранг-баранглигидан улкан таассурот олганини таъкидлади.

**Ўзбекистоннинг Бельгиядаги элчиси** тадбир иштирокчилари ва меҳмонларини қутлар экан, қадим Буюк Ипак йўли шарофати билан давлатлар, жумладан, Осиё ҳамда Европа мамлакатлари ўртасидаги кўп қиррали алоқалар ривожланиб борганини айтиб ўтди. Тарихдан маълумки, бугунги Ўзбекистон ҳудуди ўша замонларда ўзига хос маданий, савдо-иқтисодий чорраҳа сифатида хизмат қилган. Шу кунларда ўтказилаётган мазкур суратлар кўргазмаси кўҳна Буюк Ипак йўли анъаналари ҳалиҳамон сақланиб қолаётганидан ҳамда у Шарқ ва Ғарб ўртасида боғловчи кўприк вазифасини ўташда давом этаётганидан гувоҳлик беришини тасдиқлайди.

**Европа Комиссиясининг Марказий Осиё мамлакатлари бўйича мувофиқлаштириш бўлими раҳбари Жан-Клод Бодэн** Ўзбекистон тараққиётининг тарихий жиҳатларига тўхталар экан, ўлкамизнинг неча-неча асрлардан буён ўз маданияти, санъати, урф-одат ва анъаналари, илм-фани, меъморий обидалари билан машҳур эканлигини қайд этди. “Мамлакатингиз ўтмиши жаҳон тамаддуни тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган воқеа-ҳодисалар ва шахсларга бойдир”, деди у.

Ж.К. Бодэннинг фикрича, Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар тобора ривожланиб, чуқурлашиб бормоқдаки, Тошкентда Европа Иттифоқининг Делегацияси очилиши бундан далолат беради.

**Европа Иттифоқининг эстониялик вакили Миссию Ли** 2011 йилда Ўзбекистонда бўлгани ва мамлакатимиз унда унутилмас таассуротлар қолдирганини айтди. Унинг сўзларига қараганда, юртимиз беқиёс сайёҳлик салоҳиятига эгадир. “Ўзбекистон — Бухоро, Самарқанд, Хива ва Тошкент сингари бутун оламга машҳур тарихий шаҳарлар жойлашган мамлакат бўлиб, бу шаҳарлар бутун дунёдан сайёҳларни ўзига жалб қилиш кучига эга бўлгани ҳолда, жаҳон сайёҳлик саноатининг тараққиётига салмоқли ҳисса қўшмоқда”, деди М. Ли.

Шунингдек, ушбу кўргазма доирасида ўзбекистонлик халқ амалий санъати усталари томонидан тайёрланган сўзаналар, зардўзлик маҳсулотлари, Ғиждувон, Риштон ва Хоразм кулолларининг қўлида сайқал топган турли сопол буюмлари ҳам намойиш қилинди.

**«Жаҳон» АА.**
Брюссель

# Замонавий ва сифатли хизмат эътирофи




(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу, ўз навбатида, парвозлар хавфсизлигини таъминлаш, инфратузилмани бугунги талаб даражасида янгилаш, кадрлар салоҳияти, касбий маҳоратини ошириш каби муҳим йўналишларда эришилаётган муваффақиятлар мисолида намоён бўлмоқда. Хусусан, мустақиллик йилларида МАК ҳаво лайнерлари парки қиёфаси буткул ўзгарди. Бугунги кунда “Боинг”, “Эйрбас”, “Rj-85” ва ўзимизнинг “Ил-114-100” самолётларида йўловчилар ҳамда юклар профессионал учувчилару бошқа экипаж аъзолари томонидан манзилига ўз вақтида етказиб қўйилмоқда.

Айни чоғда “Uzbekistan Airways Technics” авиакорхонаси томонидан нафақат МАК, балки хорижий компаниялар ҳаво кемаларига ҳам барча турдаги техник хизмат кўрсатилаётир. Сервис ва таъмирлаш ишларининг сифатли йўлга қўйилгани туфайли парвозлар хавфсизлигини юқори даражада таъминлаш имконияти яратилмоқда.

Бундан ташқари, маҳаллий аэропортларнинг моддий-техник базасини янада яхшилаш, техник ва технологик жиҳатдан ривожлантириш ишлари ҳам доимий диққат-эътиборда. Чунончи, “Тошкент”, “Самарқанд”, “Бухоро”, “Урганч”, “Термиз”, “Навоий” халқаро аэропортлари энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Эътиборлиси, тармоқда ана шундай катта масъулият талаб этадиган жараёнлар давом эттирилмоқда.

Айни чоғда жабҳадаги кўрсаткичларни ошириб боришда Ўзбекистон Республикаси ҳаво кенглигида авиалайнерларнинг хавфсиз ҳаракатини ишончли бошқараётган “Ўзаэронавигация” марказининг ҳам ҳиссаси катта бўлаяпти.

Умуман, ушбу мукофот “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси жамоасининг парвозлар хавфсизлигини таъминлашдаги меҳнати ва касбий маҳоратига билдирилган навбатдаги халқаро эътирофдир.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

# Оилавий бизнес – оилавий корхона

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимизнинг жорий йилдаги “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори тадбиркорлик субъектларининг салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилувчи яна бир муҳим ҳужжат бўлди. Чунки мазкур қарорга асосан, маҳаллий товар (иш, хизмат) ишлаб чиқарувчи корхоналарга халқаро молия институтлари, донор мамлакатлар, хорижий давлатлар ҳукуматлари, бошқа норезидентлар маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича халқаро тендерларда чет эл валютасида шартномалар тузган ҳолда иштирок этиш ҳамда хорижий валютада шартномалар тузиш ҳуқуқи берилди. Энг муҳими, улар экспорт шартномаларига тенглаштирилган бўлиб, бундай тадбиркорлик субъектларига экспорт қилувчи корхоналарга берилган солиқ имтиёзлари татбиқ қилинади.

Йиғилганлар яқинда қабул қилинган “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мазмун-моҳияти билан ҳам атрофлича таништирилди. Жумладан, оилавий корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Мутахассисларнинг тушунтиришича, бундай корхона иштирокчилари ва ёлланма ходимларининг умумий сони кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ўртача йиллик сонидан кўп бўлмаслиги керак. Айни пайтда иштирокчиларнинг энг кам сони икки кишидан оз бўлмаслиги лозим. Оилавий корхона фаолиятнинг айрим турларини фақат махсус рухсатнома (лицензия) мавжуд бўлганда амалга ошириши мумкин. Маълумот ўрнида айтиш керакки, ҳозирги кунда махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинадиган фаолият турлари 74 тани ташкил этади.

Оилавий корхона қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ягона солиқ тўловини тўлайди. Айни чоғда у Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхат асосида ўзи ишлаб чиқарган халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини реализация қилишдан олинган тушум бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ягона солиқ тўловини тўлашдан озод қилинади.

Маълумки, яқинда яна бир муҳим ҳужжат — “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрири тасдиқланди. Сўзга чиққанлар қайд этганидек, мазкур Қонунга киритилган янги нормалар тадбиркорлик ҳаракатининг янада тараққий этишида муҳим омил бўлади. Сабаби, унинг 11-моддасида тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек, банклар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили амал қилиши белгилаб қўйилган. Унга мувофиқ, қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик субъектининг фойдасига талқин этилади.

Бундан ташқари, Қонуннинг 39-моддасига кўра, назорат қилувчи орган режали текширув ўтказишнинг бошланиши ҳақида камида ўттиз кун олдин тадбиркорлик субъектини текширувдан ўтказиш муддатлари ва предметини кўрсатган ҳолда, ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Соҳага татбиқ қилинаётган янгилик ва имтиёзлар тадбиркорлик ҳамда оилавий бизнес ривожида янги саҳифалар очилаётганидан яна бир далолатдир.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Қулай тадбиркорлик муҳити

### юртдошларимизда яратувчанлик қобилиятини оширишга хизмат қилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилаётгани бежиз эмас, — дейди тадбиркор. — Сабаби, у бозор иқтисодиёти талабларига мослашувчан бўлиб, бир пайтнинг ўзида бир неча йўналишда фаолият кўрсатиши, кўплаб одамларни иш билан таъминлаши мумкин. Масалан, бизнинг шифер ишлаб чиқариш цехимиз ишга туширилгач, 50 киши иш билан таъминланди.

Бугунги кунда корхонада меҳнат қилаётганлар сони 250 нафардан ортди. Яна 26 нафар хотин-қиз касаначилик асосида ишга жалб этилган. Фаолият кўламининг кенгайиши, янги иш ўринлари яратилишида вилоят саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури муҳим омил бўлаётир. Мазкур дастур доирасида пиллани қайта ишлаш фабрикаси ишга туширилгани бунинг тасдиғидир.

Маҳаллий хом ашёни қайта ишлаб, миллий матолар ишлаб чиқаришга асос солиниши эса вилоят саноатида чинакам янгилик бўлди. Бунинг учун 450 минг АҚШ долларилик банк кредитидан ташқари, тадбиркорнинг 200 минг АҚШ доллари миқдоридаги ўз маблағи ҳам жалб қилинди. Натижада Хитой Халқ Республикасидан 2 та йигирув ва 3 та тўқув дастгоҳи олиб келиниб, нафақат ипак йигириш, балки атлас ва адрас матоларини тўқиш ўзлаштирилди.

Замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган ушбу фабриканинг йиллик қуввати 300 тоннагача пилла хом ашёсини қайта ишлаб, 70 тонна калава ип ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Айни пайтда бу ерда тайёрланаётган ипнинг 70 фоизи хорижий мамлакатларга экспорт қилинаяпти. Қолган қисмидан эса шу ернинг ўзида 12 хилдаги атлас ва адрас матолари, ўнлаб турдаги аёллар либослари, шунингдек, уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқарилмоқда. Миллий матолардан тайёрланаётган маҳсулотларга, айниқса, талаб катта. Жорий йилнинг ўтган даврида 2 миллиард 304 миллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилгани, 450 минг АҚШ долларлиги эса экспорт қилингани бунга мисолдир.

— Бундан йигирма йил олдин “Келгусида тадбиркор бўласан, ишлаб чиқарган маҳсулотларинг чет давлатларга сотилади” дейилса, очиғи, ишонмаган бўлардим, — дейди Холисхон Бобоева. — Бугун илгари орзу қилиш қийин бўлган нарсаларнинг рўёбини кўришдек бахтга муяссар бўлдик. Бунга истиқлол шарофати, муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида яратилган қулай тадбиркорлик муҳити туфайли эришдик. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган “Ташаббус” кўрик-танлови тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантириш, мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш, энг асосийси, одамларнинг ишбилармонлик қобилиятини юзага чиқаришга хизмат қилаяпти. Бизнинг корхонамиз ҳам мазкур танловда тобланиб, ўз йўлини топиб олди. Бу йил эса кўплаб тадбиркорлар орасидан “Энг яхши тадбиркор” деган шарафли номга лойиқ кўрилганим зиммамиздаги масъулиятни янада оширди. Чунки Президент соврини нафақат менга ва жамоамизга, балки Жиззах вилояти тадбиркорларига берилган юксак мукофот ва рағбатдир. Бундай ишончга меҳнат муваффақиятларимиз билан жавоб қайтаришга ҳаракат қилаяпмиз.

Тадбиркор ана шу эзгу ният йўлида амалий ишларни бошлаб юборган. Жорий йилда Германия ва Ҳиндистондан замонавий технологик линиялар олиб келиб, янги қувватни ишга туширишга аҳд қилган. Бу ният рўёбга чиқса, ипак маҳсулотлари тўлиғича корхонанинг ўзида тайёрланиб, экспорт қилинади.

Яратилажак 50 та иш ўрнига, асосан, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари жалб қилиниши кўзда тутилган. Бундан ташқари, тикувчилик цехини кенгайтириш эвазига яна ўнга яқин хотин-қизлар иш жойига эга бўлишади. Мустаҳкам оила йилида эса тадбиркор 10 та кам таъминланган оилага уй-жой қуриб беришни, уларнинг бандлигини таъминлашни дилига тугиб қўйгани янада эътибор моликдир.

Айтиш жоизки, вилоятда Холисхон Бобоева сингари тадбиркорлар сафи муттасил кенгайиб бораяпти. Биргина ўтган йили 1555 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 7723 тага етгани шундан далолатдир. Улар томонидан йил давомида қарийб 2 триллион 39 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди. Натижада вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотида кичик бизнеснинг улуши 79,8 фоизга етди.

Мустаҳкам оила йилида бу кўрсаткич янада ошиши турган гап. Зеро, Давлат дастури доирасида тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, ишбилармон аёлларнинг инвестициявий лойиҳаларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Улуғбек АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Самарали ҳамкорлик

### изчил ривожланиш пойдевори

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Буни жорий йилги тадбирга Германия, Хитой, Малайзия, Польша, Украина, Россия, Франция сингари давлатларнинг 40 га яқин компанияларидан вакиллар ташриф буюрганидан ҳам англаш мумкин. Масалан, “Megaelektro” корхонаси республикамиз бозорини электр ускуналари билан таъминловчи йирик жамоалардан бири ҳисобланади. Корхона вакили Ислом Холмуродовнинг айтишича, айнан шу кўргазма орқали улар маҳаллий ва хорижий етакчи ишлаб чиқарувчилар билан алоқаларни янада мустаҳкамлаб олишаяпти. Ҳозирги кунда эса ана шу ҳамкорлик асосида ўнлаб буюртмачиларга паст вольтли ток ўтказгичлар, электр тизимини назорат қилувчи жиҳозлар ва тежамкор лампалар етказиб берилаётир.




Дунё тажрибасидан маълумки, электр энергияси ишлаб чиқаришда янги, тежамкор усуллар кенг татбиқ этилмоқда. Шамол, денгиз тўлқинлари, биомасса, қуёш сингари муқобил электр манбалари шулар жумласидандир. Кўргазмада электр энергияси ишлаб чиқаришнинг бу жиҳатлари ҳам эътиборга олинган. Тадбир давомида “Энергетика — 2012: инновациялар, ечимлар, истиқболлар” мавзуида халқаро конференция ўтказилади. Унда энергетика ва муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланиш, тармоққа замонавий технологияларни жалб этиш масалалари муҳокама қилинади.

Мухтасар айтганда, иштирокчиларнинг соҳадаги янгиликларни кўздан кечириш, уларни амалиётга жорий этиш, музокаралар асносида шартномалар имзолашлари учун бу ерда барча шарт-шароит яратилган. Шунинг ўзиёқ унинг ҳар қачонгидан фойдали ва самарали ўтишидан далолат бериб турибди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА:** халқаро кўргазма фаолиятидан лавҳа.

**Бахтиёр АКРАМОВ**
**олган сурат.**

## Дил сўзи

*Яқинда Тошкент шаҳрида Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган маросимда давлатимиз раҳбари журналистларга берган интервьюсида миллий армиямизни, халқимизнинг тинч-осуда ҳаёти ҳимоясида посбон бўлиб турган Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва қудратини янада ошириш ўта муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидладилар.*

# Осуда турмуш кафолати

Дарҳақиқат, бу соҳада босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли Қуролли Кучларимизни ташкил этиш ҳамда бошқаришнинг мутлақо янги тизими шакллантирилди. Армиямиз сафларини тўлдириш такомиллаштирилди. Муддатли ҳарбий хизматнинг бир йил этиб белгиланигани, унга йилда бир марта чақирув ташкил этилаётгани, қўшинларда шартнома асосида хизмат қилаётган сержантлар таркибининг сезиларли даражада кенгайгани, сафарбарлик-чақирув резерв хизматининг жорий этилгани жанговар имкониятларимизни, ҳарбий жамоалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни тубдан ўзгартирди.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари эҳтиёжларига жавоб берадиган қулай ижтимоий-маиший шароит ва инфратузилмаларни яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кези келганда, ўзим хизмат қилаётган Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртида амалга оширилган ислоҳотлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсам. Муассасамизда ҳар томонлама етук ва салоҳиятли ёшларнинг билим олишлари учун барча шароит яратилган. Хусусан, ўқув-тарбия жараёни энг сўнгги методик дастурлар асосида амалга оширилмоқда. Курсантларимиз замонавий техникаларни бошқаришни мукаммал эгаллашаяпти.

Бугунги навқирон авлод кечаги кун ёшларидан тубдан фарқ қилади. Уларнинг онгу тафаккури, дунёқарашидаги ўзгаришлар, қалбидаги ғайрат-шижоат, Ватанга муҳаббат, садоқат, эзгу ишларга дахлдорлик ҳисси келажагимиз ишончли қўлларда эканлигини яна бир карра тасдиқлайди. Зеро, сарҳадларимиз дахлсизлиги, турмушимиз фаровонлиги юртимиз мудофаа қудрати билан чамбарчас боғлиқ. Шундай экан, йигит-қизларимизни, Президентимиз таъбири билан айтганда, “Мана шу муқаддас тупроқ меники, бу ерда ота-боболариминиг хоки ётибди, агар шу мусаффо осмон, шу эркин ва ёруғ ҳаёт, мана шу муқаддас Ватанни мен ҳимоя қилмасам, ким ҳимоя қилади” деган эътиқод руҳида тарбиялаш биз учун нафақат вазифа, балки муқаддас бурчимиз ҳамдир.

**Акмал ИСМОИЛОВ,**
**Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг кафедра бошлиғи, подполковник.**

# Тинчлик деган улуғ боғ неъматларидан баҳрамандмиз!

*Мен ўқитувчиман. Мактабда ёш ўғил-қизларга сабоқ бериб, уларнинг ўй-фикрларини эшитиб, суҳбат қуриб, умримнинг ҳар бир лаҳзасидан завқ оламан.*

## Ифтихор

Баъзан ўқувчиларим билан бирга Бухоро шаҳрига борамиз. Аждодларимиз яратган осориатиқаларни томоша қиламиз. Йўл-йўлакай буюк бобокалонларимизнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида гаплашамиз. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган кўҳна ва боқий Бухоро монументи болаларни ҳайратга солади, ўйга чўмдиради. Монументдаги ҳар бир ёзувни улар бамисоли қалбларига ёзиб олишади.

Шу десангиз, болаларимдан бири автобусда кетаётганимизда шундай деб қолди:

— Бизда ҳаёт зўр. Автобус ўзимизники, муаллим. Самарқандда ишлаб чиқарилган. Анови “Нексия” деган машинамиз эса Асакада чиқади. Интернетда ўқиб қолдим, дунёнинг баъзи мамлакатларида уруш экан. У тарафларда болалар ўқишга боришмас экан. У ерда ҳеч нарса ишлаб чиқарилмасмиш. Жуда ёмон-а...

Кўнглим ҳаприқиб кетди, ўқувчи боламнинг ногаҳонда айтган сўзлари бамисоли ТИНЧЛИК деган бебаҳо неъматга ишора эди гўё. Унинг ўз мамлакати ҳақидаги мулоҳазалари нақадар таъсирчанлиги билан мени ҳаяжонга солди.

Дарҳақиқат, бизда тинчлик, бизда яратувчанлик ва бунёдкорлик. Бизда болалар теваракка боқиб — юраклари орқага тортмайди, аксинча, фахрланишади. Эртанги кунига ишонишади. Шу боис қадамни катта олишади. Кўнгиллари тўқ, орзулари бениҳоя гўзал.

Президентимизнинг Хотира майдонида оммавий ахборот воситаларига берган интервьюларини эшитиб, тўғриси, ўзим учун ҳам, ҳали чуқур англаб етмаган ҳақиқатларни теран тушундим, вужудим билан ҳис этдим.

Ҳа, биз, 90-йилларнинг одамлари эмасмиз.

Ўзимиздан қиёс. Мен ишлаётган мактаб капитал реконструкция қилиниб, муҳташам кўриниш олди. Компьютерлар, замонавий технологиялар, кенг ва шинам ўқув хоналари — нафақат кўзни қувонтиради, балки ўз касбингга нисбатан улкан завқ-шавқ уйғотади. Президентимиз ғоялари асосида амалга оширилган таълим тизимидаги ислоҳотлар самараси Тошкентда ўтказилган халқаро конференцияда жаҳон назарига тушди, кўплаб хорижликларда ҳавас уйғотди.

Биз, ўқитувчилар бошимизни осмон қадар кўтардик. Қадримиз, шарафимиз фарзандларимиз тақдирига туташди.

Мамлакатимизда барпо этилган ТИНЧЛИК деган улуғ боғ неъматларидан баҳраманд бўлиб, осойишта яшамоқдамиз.

Шубҳасиз, ҳамма нарса — фаровонлик, тараққиёт, ободлик, яхши ва бахтли кунлар мазмуни — тинчликка бориб тақалади.

Шундай экан, унинг қадрига етиш, ота-боболаримиз руҳини шод этиш, нурли уфқлар сари йўлга чиққан Ўзбекистонимизни кўз қорачиғимиздек асраш ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарз.

Ўша эртанги буюк ишларни амалга ошириш ҳақида ўйлаётган ўқувчи болам айтганидек, “Бизда ҳаёт зўр!”. Ҳар қарич тупроқ, ҳар бир эришган ютуқларимиз, қурган биноларимиз, яратган боғу бўстонларимиз ўзимизники!

Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг Хотира ва қадрлаш кунида айтган сўзлари, фикр-мулоҳазалари эртамизнинг маънавий чироқлари каби қадрли, десам тўғри бўлади.

Зеро, бу чироқлар қалбимиз осмонига ғубор йўлатмайди. Уни қоронғиликдан асрайди.

**Зебо ҚУТЛИЕВА,**
**Вобкент туманидаги 10-мактаб ўқитувчиси, «Шуҳрат» медали соҳиби.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

## «Ягона оила фарзандларимиз»

Уларнинг ўз миллий урф-одатлари ҳамда анъаналарини давом эттиришлари учун барча шарт-шароит яратилган.

Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда истиқомат қилаётган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари манфаатлари ҳамда ҳақ-ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси орқали кафолатланганлиги ҳамда Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда миллатлараро тотувлик ҳамда ҳамжиҳатликни янада кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганлигини таъкидладилар.

Шунингдек, анжуманда "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда миллий маданий марказлар зиммасидаги масъулият ҳамда бу борада қилиниши лозим бўлган масалалар ҳам муҳокама этилди.

— Президентимиз яқинда Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган маросимда бугун жаҳоннинг турли мамлакатларида, турли ҳудудларида миллатчилик каби жуда хавфли офатлар тобора илдиз отаётганлигини афсус билан қайд этиб ўтдилар, — дейди Самарқанд вилояти поляк миллий маданий маркази раҳбари Ольга Серебринникова. — Шукрки, бизнинг юртда бунинг тамоман акси. Барча миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек тинч-тотув, аҳил ва иноқ умр кечиришмоқда. Жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида фидокорона меҳнат қилишмоқда.

Тадбир сўнгида санъат усталари ва вилоятда фаолият кўрсатаётган турли миллий маданият марказлари қошидаги ҳаваскор жамоалар ижросида дўстлик ва тинчликни улуғловчи, она-Ватанни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

Тиббиёт

*Бугун хасталикларга тезкор ва аниқ ташхис қўйиш, уларни самарали даволаш имконияти тобора кенгайиб бораётир. Бунда шифо масканларининг илғор ва замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланаётгани, тизимга инновацион технологиялар изчил татбиқ этилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.*

# Аниқ ташхис, тезкор муолажа

Бу борада Жиззах вилоятида олиб борилаётган ишлар ҳам эътиборга молик. Хусусан, ўтган йили "Саломатлик — 2" лойиҳаси асосида вилоятдаги бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш муассасаларига 46 турдаги шундай ускуналар, даволаш-диагностика аппаратлари келтирилди. Шундан 22 таси ҳудудида 5 минг нафардан зиёд аҳоли яшайдиган қишлоқ врачлик пунктларига ҳамда 24 таси шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмаларига ўрнатилди. Натижада жойларда аҳоли саломатлигини таъминлаш самарадорлиги кескин ошди.

— Вилоятимизда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишнинг илғор усуллари амалиётга жорий этилаяпти, — дейди Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бош стоматологи, вилоят стоматология поликлиникаси бош шифокори Алишер Усмонов. — Жойларда фаолият юритаётган соғлиқни сақлаш бўғинларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланаяпти. Янги тиббиёт технологиялари ишлаб чиқилиб, ўзлаштирилмоқда. Муҳими, ана шу ислоҳотлар замиридаги энг устувор мақсад инсон ва унинг манфаатларини таъминлашга қаратилган.

Бунга вилоят стоматология поликлиникаси фаолиятидаги янгиланишлар мисолида ҳам яққол амин бўлиш мумкин. Бу ерга ўрнатилган ускуналарнинг барчаси — илғор. Мазкур тиббий асбобларнинг афзаллиги шундаки, улар, илгаригидек, механик равишда эмас, юқори босимли ҳаво билан ишлайди, беморларни оғриқсиз ва қисқа вақтда даволаш имконини беради.

Буни поликлиника хизматидан баҳраманд бўлаётганлар ҳам мамнуният билан қайд этишмоқда. Уларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, тиббиёт муассасаларидаги яратилган имкониятлардан, бугунги шарт-шароитдан кўнгиллари тўлиб гапиришади. Ана шундай эзгу ишларга раҳнамолик қилаётган давлатимиз раҳбарига раҳматлар айтишади.

— Ўзим тиббиёт ходими бўлиб ишлаганман, — дейди бахмаллик Абдурауф Абдураззоқов. — Ҳозир нафақадаман. Очиғи, бугунги ўзгаришларни кечаги кун билан таққослаб, ҳайратим ошади. Масалан, мазкур поликлиникадаги жиҳозларни қаранг. Билимли ва малакали мутахассислар компьютер ёрдамида, монитор қаршисида туриб касалликка тезкор ва аниқ ташхис қўйишаяпти. Муолажаларни айтмайсизми?! Ҳеч қандай оғриқларсиз, жуда қисқа фурсатда шифо топаётган беморлар бундан ниҳоятда мамнун.

Дарҳақиқат, вилоятда стоматология муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлашга доимий эътибор қаратилмоқда. Масалан, 2008 йилда 4 та портатив аппарат, кейинги уч йилда 6 та стоматологик жамланма келтирилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса маҳаллий бюджетдан ажратилган 29 миллион сўм эвазига битта стоматологик жамланма ва Бразилияда ишлаб чиқарилган "Денталь" рентген аппарати харид қилинди.

Мухтасар айтганда, Жиззахда аҳолига стоматологик хизмат кўрсатиш сифати тобора яхшиланиб бораяпти. Бундай ўзгаришларнинг шаҳардан қишлоқларга ҳам кўчаётгани янада қувонарлидир.

**Абдурасул САТТОРОВ.**

---

Хабар

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2012 ЙИЛ 5 МАЙДАН 11 МАЙГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2012 йил 1 майдаги 71-сонли буйруғи.*

**2012 йил 4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2358 (2012 йил 14 майдан кучга киради).**

2. «Ўзбекистон Республикасининг Мулкни баҳолаш миллий стандарти (12-сон МБМС) «Солиқ солиш мақсадида ялпи баҳолаш усуллари билан кўчмас мулк қийматини баҳолаш»ни тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2012 йил 25 мартдаги 01/19-18/06-сонли қарори.*

**2012 йил 8 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2359 (2012 йил 18 майдан кучга киради).**

3. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳномаларини бериш ва авиация ходимларининг турлари» Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидаларига (ЎзР АҚ-61) ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2012 йил 19 апрелдаги 37-сонли буйруғи.*

**2012 йил 10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1349-7 (2012 йил 20 майдан кучга киради).**

4. «Импорт шартномаларини ҳисобга қўйиш ва улар тўловини хўжалик субъектларининг ўз валюта маблағлари ҳисобидан амалга ошириш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2012 йил 24 мартдаги 10/2, 5, 30, 01-02/19-5-сонли қарори.*

**2012 йил 10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1514-1 (2012 йил 20 майдан кучга киради).**

5. «Архив ҳужжатлари давлат архивларига топширилиши лозим бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг рўйхатини тузиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги бош директорининг 2012 йил 9 апрелдаги 29-сонли буйруғи.*

**2012 йил 11 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2360 (2012 йил 21 майдан кучга киради).**

---

• Реклама ва эълонлар •

## ТАШКИЛОТ
### маҳсулот етказиб бериш юзасидан очиқ
## ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Тендерда ишлаб чиқарувчи ёки сотиб олинадиган маҳсулотларни етказиб берувчи ва тендерда кўрсатилган маҳсулот каби товарларни зарур миқдорда етказиб бериш тажрибасига эга бўлган корхоналар иштирок этиши мумкин. Тендерда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг қатнашуви маъқулланади.**

***I. Тендер комиссиясининг ишчи органи манзили ва номи:***

**100084, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Арифов кўчаси, 17-уй.**

**Телефонлар: (+99871) 237-67-42, 234-53-16, (+99890) 164-02-11.**

**Факс: (+99871) 237-67-42, 237-67-41.**

***II. Тендер предмети.***

| Лот № | Тендер предмети | Миқдори | Минимал партияси |
|---|---|---|---|
| 1. | Тиббиёт докаси (ГОСТ 9412-93) ўрамда (рулонда) 1000 метрдан эни 90 см. | 4 000,0 минг метр | 1000,0 минг метр |

***III. Етказиб бериш шартлари.***

Тиббиёт докаси ГОСТ 9412-93 — юкларни транспортда ташиш ГОСТ 7000-80 га мувофиқ етказиб берувчи ҳисобидан юк автомобиль транспортларида амалга оширилади.

***IV. Етказиб бериш муддати — 2012 йилнинг III чораги.***

***V. Тендерда баҳолаш таклифларини ўтказишда максимал сотиб олиш нархи — тиббиёт докаси ГОСТ 9412-93 1 метр ўлчамига 585 сўмдан.***

***VI. Тендерда қатнашиш учун талабгорларни танлаб олиш муддати.***

Талабгорларни танлаб олиш тендер таклифларини ошкор қилишдан аввал тендер ҳужжатларида келтирилган талаблар (кретерийлар) асосида ўтказилади.

***VII. Тендер ҳужжатлари баҳоси қуйидагидан иборат: кўрсатилган лотга тендер ҳужжатлари баҳоси 200000,0 сўмни ташкил этади.***

**Тендер ҳужжатларига тўловни амалга ошириш учун банк реквизитлари:**
**Узкомгосрезерв,**
**ҳисоб рақами: 20203000600101000002,**
**АИТБ «Ипотека-банк»и «Меҳнат» филиали, Тошкент шаҳри, МФО: 00423, ОКОНХ: 97300, СТИР: 201059473.**

***VIII. Талабнома (бай пули) кафолати.***

***Тендерда қатнашиш учун банк кафолати талабномаси (бай пули) баҳоси — 20 000,0 минг сўм.***

***IX. Тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 17 июнь куни Тошкент вақти билан соат 18.00 гача.***

801A/598

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Қашқадарё вилояти филиали

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Қарши шаҳар СИБ томонидан қуйидаги мулклар қўйилмоқда: Қашқадарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 14 мартдаги 18-1206/2114-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қарши-Бешкент шоҳкўчаси, 3 км.да жойлашган, Қарши шаҳри, «11-махсус механизациялашган кўчма колоннаси» МЧЖга қарашли бир қаватли, умумий ер майдони 6877,80 кв.м., қурилиш майдони 1300,86 кв.м.дан иборат бўлган маъмурий бино, омборхона ва ёрдамчи бино-иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 175 535 000 сўм.***

**Аукцион савдоси 2012 йил 18 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.**

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 15 июнь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Кўчмас мулк савдо хизмати» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»и Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Қарши шаҳри, М. Абдуллаева кўчаси, 20-уй. Телефон: (8-375) 225-44-58. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

809A/1441

*Лицензия: RR-0001.*

Сертификатланган



**SUVMASH**
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ISO 9001:2008
Certifed Management System

## НАСОСЛАР
тайёрлайди ва таъмирлайди

"ЭЦВ" РУСУМЛИ ҚУДУҚҚА МЎЛЖАЛЛАНГАН
"Д" РУСУМЛИ ЁТИҚ
"К" РУСУМЛИ ТАГЛИККА ЎРНАТИЛГАН
"НК" НЕФТЬ НАСОСЛАРИ
НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ
шунингдек, уларнинг эҳтиёт қисмлари.

"Д" "А40ГЦ" "НК" "ЭЦВ" "К" "СНЭ"

**Ўзбекистон Республикаси, 100182, Тошкент ш., Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 13.**
**Тел.: (+99871) 295-13-00, 295-06-35, 295-06-37, 295-19-08. Факс: (+99871) 295-51-08.**
**E-mail: office@suvmash.uz; suvmash@mail.ru sales@suvmash.uz www.suvmash.uz**

622R/460



## «ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК
ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР

ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

**СУВ ВА НЕФТЬ-ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР, диаметри 325-1620 мм., девор қалинлиги 6,0-24,0 мм., API-5L стандарти, баҳоси 1 тн. учун 3 950 000 сўмдан бошлаб.**

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 000 000 сўмдан бошлаб.**

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.**

**Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100.**

**Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60, 40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.**

**КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОФИЛ — 80х40х15, 100х40х15, 100х50х20, 120х60х20, 140х60х20, 160х70х20, 180х70х20, 200х70х20. Девор қалинлиги 2,0-3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.**

**ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.**

**МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.**

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**

03R/97

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ
*очиқ аукцион савдосига таклиф этади!*

**«Capital Realtor Group» МЧЖ 2012 йил 19 июнь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига:**

**I.** Ҳамза тумани суд ижрочилари бўлими томонидан савдога қўйилган ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2010 йил 23 августдаги 1-221/2010-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «VAZIR-D» МЧЖга тегишли, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Мумтоз (собиқ Каримов) кўчаси, 5-уйда жойлашган, умумий майдони 34 577 кв.м. бўлган 12 та бино, 2 та бинонинг бир қисми, 6 та иншоотдан иборат завод.

***Бошланғич нархи — 2 415 883 712 сўм 10 тийин.***

Мазкур кўчмас мулк объекти ушбу аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, унинг такрорий аукцион савдоси 2012 йил 4 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

**II.** Чиноз тумани суд ижрочилари бўлими томонидан такроран савдога қўйилган Тошкент вилояти хўжалик судининг 2011 йил 18 апрелдаги 11-1128/4692-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «AL-YASSA» МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, «Ўзбекистон» ҚФЙ, «Сутчилар» бўлимида жойлашган, умумий ер майдони 8738,97 кв.м. бўлган ферма биноси.

***Бошланғич нархи — 300 000 000 сўм.***

Ушбу кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

810A/1192

***Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8-371) 250-19-24.*** *Лицензия: RR-0017.*

## РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОР
ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАСИДАН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
"КЧМ" ЧЎЯНДАН ТАЙЁРЛАНГАН ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ
ШУНИНГДЕК:
Маҳсулот сертификатланган Тўлов шакли турлича
## КАФЕЛЬ
(девор ва пол учун)
## САНТЕХНИКА
(катта ҳажмда унитаз ва қўлювгичлар)
ЧЎЯН, ПОЛИМЕРМРАМОР ВАННАЛАР (ТУРЛИ ЎЛЧАМДА)
**Тел./Факс: 267-35-73**
Савдо шохобчаси - Уста Ширин к.125, қурилиш бозори ичида №127
zakamsk-group@mail.ru

694R/

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

02

## «САМАРҚАНД АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ»
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

**Самарқанд шаҳрида «СамАвто» МЧЖ ҳудудида автополигон участкаси қуриш бўйича**

**танлов савдолари ўтказади.**

**Объектнинг бошланғич баҳоси:**
**— ҚҚС билан 2 863 462 034,4 сўм;**
**— ҚҚСсиз 2 386 218 362 сўм.**

*Тўлиқ маълумотни бизнинг қуйидаги сайтимиздан олиш мумкин:*
**WWW.SAMAUTO.UZ**

797R/578

---

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси Ўзбекистон Республикасининг Эрон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Ильҳом Салиевич Акрамовга волидаи муҳтарамаси **Хадича Мансуровна АШУРОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иқтисодиёт институти жамоаси директор ўринбосари Ҳабибулла Жабборовга акаси **Анвар ЖАББОРОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" акциядорлик лизинг компанияси жамоаси Фарғона вилояти филиали директори Қобилжон Матхолиқовга акаси **Сайфулло ЮЛДАШЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки жамоаси Ишлар бошқармаси бошлиғи Сунатилло Ҳамидовга падари бузруквори **РАҲМОН отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# «Машҳур созанда бўламан!»

*Яқинда Франциянинг Париж шаҳрида Николай Рубинштейн номидаги ёш мусиқачилар халқаро кўрик-танлови ўтказилди. Қувонарлиси, мазкур нуфузли беллашувда иштирок этган истеъдодли ёшларимиздан бири, Р. Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ўқувчиси Қаҳрамон Ғуломжонов танловда “Энг моҳир ижрочи” йўналишида биринчи ўринни қўлга киритди.*

Истеъдод

Навқирон истеъдод соҳибининг бундай юксак эътирофга сазовор бўлганлиги бежиз эмас. Қаҳрамон — мусиқа санъатини жону дилидан севувчи, куй замиридаги маъно-мазмунни юракдан ҳис қилувчи созанда. Буни унинг ижросидаги мусиқий оҳангларни тинглаган одам дарҳол пайқайди. Ёш мусиқачи Париждаги танловда ҳам ана шундай ноёб иқтидорини намоён эта олди. Жаҳон мумтоз мусиқа санъатининг йирик намояндалари саналмиш Иоганн Бах, Людвиг ван Бетховен, Паганини, Чайковский асарларини маҳорат билан ижро этиб, томошабинлар ҳамда танлов ҳайъати аъзоларининг эътиборини қозонди.

— Рости, бегона бир юртда катта саҳнага чиқиб, ўнлаб нозик дид санъатшунослар қаршисида фортепьяно чалишни ўйласам, вужудимни чуқур ҳаяжон босарди, — дейди биз билан суҳбатда ёш санъаткор. — Аммо кейинги пайтда бу ҳолатни енгиб, аслида, куй чалиш унчалик мушкул эмаслигини тушуниб етаяпман. Бугун қандай йирик тадбирда иштирок этишимдан қатъи назар, созимга меҳр билан боқиб, у билан ёлғиз қолган, юракдан “суҳбатлашган” чоғларимни эслайман. Ана шунда титроқ, қўрқув, ҳаяжон каби ҳислар мени ўз-ўзидан тарк этади, берилиб, илҳомланиб куй чала бошлайман.

Мазкур лицейда таълим олаётган ўқувчиларнинг яна бир гуруҳи май ойи бошида Украина давлатида бўлиб ўтган “Синяя птица” XIII халқаро кўрик-танловида муваффақиятли иштирок этишди. Жумладан, Жамшид Ҳакимов дутор бас йўналишида биринчи ўринга, Азиз Тешабоев учинчи ўринга, академик хонандалик номинациясида эса Шоҳруҳ Ризоқулов иккинчи ҳамда Ихтиёр Воҳидов тўртинчи ўринга сазовор бўлишди. Танловда фахрли ўринларга муносиб деб топилган бу иқтидорли ёшларнинг устозлари — Бахтиёр Зияев ва Сурайё Тиллахўжаева “Энг яхши ўқитувчи”, “Энг яхши жўрнавоз” сифатида махсус диплом билан тақдирландилар.

— Эришилаётган мана шундай ҳавас қилса арзигулик ютуқлар мамлакатимизда ёш авлоднинг жаҳон андозалари даражасида пухта билим олиши учун яратилган имконият ва шарт-шароитлар самарасидир, — дейди Бахтиёр Зияев. — Зеро, бугун фарзандларимиз ўзларига билдирилаётган юксак ишонч ва ғамхўрликни чуқур ҳис этган ҳолда, юксак марралар сари дадил интилмоқдалар. Бу эса ҳар бир ўқитувчини шогирдлари камоли йўлида изланишга, фидойилик билан меҳнат қилишга ундайди.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Хушхабар

*Юртимиз спортчилари энг нуфузли халқаро мусобақаларда ғолибликка асосий даъвогарлардан бири сифатида эътироф этилади. Буни уларнинг ҳар бир спорт тури бўйича эришаётган муваффақиятлари билан изоҳлаш мумкин.*

# Таэквондочиларимизнинг яна бир муваффақияти

Жумладан, Вьетнамнинг Хошимин шаҳрида таэквондо (WTF) бўйича ўсмирлар ва катталар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида вакилларимиз иккита кумуш ва олтита бронза медалини қўлга киритиб, юксак иқтидор соҳиби эканликларини яна бир бор исботладилар.

Мусобақада дунёнинг 34 давлатидан 1200 нафар спортчи иштирок этди. Таэквондонинг “пумсэ” йўналиши бўйича катталар ўртасидаги яккалик чиқишларида Александр Ни ҳамда Зафар Сатторов бронза медалини қўлга киритди. Шунингдек, жамоавий баҳсларда Александр Ли, Александр Ни ҳамда Виктор Цой бронза медалига сазовор бўлди.

“Кёрюги” йўналишида Гўзал Норбобоева кумуш, Сарвар Шералиев эса бронза медали билан тақдирланди. Худди шу йўналишнинг катталар ўртасидаги баҳсларида Жасур Бойқўзиев иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, Дилобар Саъдуллаева ҳамда Владислав Хан бронза медалини қўлга киритди.

**Шавкат ОРТИҚОВ.**

• Реклама ва эълонлар •


Навоий кон-металлургия комбинати меҳнат жамоаси

тармоқдаги барча корхоналарнинг кончи ва металлургларини анъанавий касб байрами —

**Ўзбекистон Республикаси кончилик ва металлургия саноати ходимлари куни**

билан чин дилдан табриклайди!



*Ҳамкасбларга бошлаган барча ишларида муваффақиятлар, янги ғоялар, меҳнатларида улкан зафарлар, оилавий бахт, саломатлик, хонадонларига қут-барака тилайди!*

807R/215

«ЎЗМЕТКОМБИНАТ»

очиқ акциядорлик жамияти жамоаси металлургия комбинатлари ва фойдали қазилмаларни қазиб чиқарувчи ҳамда қайта ишловчи корхоналар жамоаларини яқинлашиб келаётган касб байрами —

**Ўзбекистон Республикаси кончилик ва металлургия саноати ходимлари куни**

билан самимий қутлайди!



*Мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш, халқимиз турмуши фаровонлигини янада ошириш каби улуғвор вазифаларни амалга оширишда соҳа ходимлари ҳам муносиб ҳисса қўшаётганликлари қувонарлидир.*

*Шундай ажойиб кунларда барчага сиҳат-саломатлик, хонадонларига файзу барака, она-диёримиз равнақи йўлидаги меҳнатларида улкан зафарлар тилаймиз!*

808R/

ДИҚҚАТ, ФЕСТИВАЛЬ!

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси «Terra Group» компанияси ва Ўзбекистон давлат консерваторияси билан ҳамкорликда

17 ёшдан 30 ёшгача бўлган профессионал ва ҳаваскор санъаткорлар орасида

«МАРДИ МАЙДОН»

жонли ижродаги қўшиқлар фестивалини эълон қилади.

Фестиваль йўналишлари:
- эстрада;
- анъанавий ижрочилик;
- академик вокал.

**Фестивалнинг асосий шарти:** қўшиқлар фақат жонли ижрода айтилади.

**Фестивалнинг асосий мезони:** қўшиқларнинг янгилиги, оригиналлиги, матнининг таъсирчан ва бадиий образларга бойлиги, ижодкорнинг овози, саҳна ҳаракати, нутқ маданияти ҳамда ижро услубидир.

Фестиваль лауреатлари 2012 йил охирида фестиваль якунига бағишлаб ўтказиладиган катта гала-концертда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Қўшимча маълумотларни «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг ҳудудий бўлинмаларидан ҳамда www.uzbeknavo.uz интернет сайтидан олиш мумкин.
Маълумот учун телефонлар: (8-371) 234-52-90, 235-52-80.

414R/286

Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми?

Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми?

Унда шошилиб таваккал қилманг.

Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага совуришингиз мумкин.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MChJ

Кўчмас мулк бозорида 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизга кўчмас мулк, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади.

Бунинг учун жамиятимиз юқори малакали мутахассисларининг **(+99890) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85** телефонларига қўнғироқ қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкингиз оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шаклланган ҳақиқий нархлар билан таққосланган ҳолда, республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нархда сотилиши кафолатланади.

Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан сизни, албатта, қувонтиради.

Лицензия: RR-0001.

Унутманг!

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ кўчмас мулк бозорида энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.

Мурожаат қилинг ва барака топинг!

563R/1441



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 554. 91 284 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5